*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 31 май, пайшанба 22-(446)-сон



ЯНГИ ҚОНУН БИЛАН 112 ТА ҲУЖЖАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ 3→



ЖОЙЛАРДА 200 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР ЎРНАТИЛДИ 4→



«БПТ ЖАМОА ФАОЛИЯТИДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТМОҚДА?» 5→

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

# Партиявий лойиҳалар

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**



Солиҳ ЗОИР олган сурат

O'zLiDeP фаолларининг фикрича, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини орттириш асосий омиллардан бири, албатта. Бу масалани ижобий ҳал этиш эса соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ана шундан келиб чиқиб, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари билан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган қонун лойиҳаларини электорат вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирокида изчил муҳокама қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан ўнлаб мулоқотлар уюштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, OzLiDeP фракцияси аъзоси Нодира Каримованинг фикрича, ушбу муҳокамалар чоғида 2 мингдан зиёд фуқаро, 800 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган. Қонун лойиҳалари юзасидан эса 350 га яқин таклифлар жамланган.

— Айни пайтда эса, жойларда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзуидаги давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг атрофлича муҳокамасига киришилди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Қувондиқ Ҳамзаев.

2→

Сиёсий таълим

## ФАОЛЛИК ҚУЙИДАН БОШЛАНАДИ

**O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ IV МАЖЛИСИДА ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН ЭДИ**

O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» ҳам давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилган ўқув-семинарларда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини атрофлича очиб беришга эътибор қаратилди.

2→

«Аёллар қаноти»

## МАСЪУЛИЯТ ЮКИ ЕНГИЛ ЭМАС

**«ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ, Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ, Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР»**

XX аср бошларида улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний томонидан айтилган бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Зеро, истиқлол йиллари Ўзбекистонда баркамол авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бири сифатида танлаб олинди. Бугун эса ўтган йилларда эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш, ёшлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Таҳлилчилар бу борада мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги жуда муҳим эканини таъкидламоқдалар. O`zLiDeP «Аёллар қаноти» масалага шу нуқтаи назардан ёндашиб, ўзининг «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасидаги тарғибот тадбирларини амалга оширишда Тошкент давлат педагогика университети билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди.

2→

«Uzbekistan Agrominitech Expo – 2012»



ЎзА олган сурат

## Халқаро кўргазма-савдо давом этмоқда

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АСАКА ТУМАНИДАГИ «АСАКАЛИК ОБИД ЕРИ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ АНВАР АШУРОВ ЖОРИЙ ЙИЛДА 20 ГЕКТАР ЕРДА САБЗАВОТ ЕТИШТИРМОҚДА. ФЕРМЕР САБЗАВОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ НИЯТИДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА-САВДОСИ ФЕРМЕР УЧУН АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ**

"Ўзэкспомарказ" павильонларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo-2012» халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси давом этмоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдонинг учинчи иш кунида Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидан мингдан ортиқ фермер, агрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

3→

Футбол

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ:

## «ҒАЛАБАМИЗНИ БОЛАЛАР КУНИГА БАҒИШЛАЙМИЗ!»



Жанубий Кореяда ўтказилган ўйинда «Сеонгнам Ильва Чунма» футбол клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этган «Бунёдкор» (Тошкент) жамоаси Осиё чемпионлар лигаси турнирининг чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Учрашувдаги ягона голга Камолиддин Мурзоевнинг саъй-ҳаракатлари эвазига белгиланган пенальтини бехато амалга оширган Хайрулла Каримов муаллифлик қилди. Аҳамиятлиси, ўйиндан кейинги матбуот анжуманида журналистлар саволларига жавоб берган «қалдирғочлар» устози М.Қосимов мазкур ютуқни яқинлашиб келаётган байрамга бағишлашини маълум қилди.

— Сир эмас, фарзандлар ўзбек халқининг қувончи, ҳеч нарсага алишмайдиган бойлигидир. Бугун юртимизнинг кўплаб ёшлари футбол билан шуғулланаётганлари қувонарли, албатта. Ўйлайманки, ушбу натижа ўзбекистонлик минглаб ўғил-қизларнинг спортга, хусусан, футболга бўлган қизиқишларини янада оширади, уларнинг соғлом турмуш тарзига янада масъулиятлироқ муносабатда бўлишларини таъминлайди. Шу сабабли ўйин тугагач, шогирдларим билан маслаҳатлашган ҳолда ғалабани 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлашга қарор қилдик, — деди жамоа бош мураббийи.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## Андижонда депутатлик назорати кучайтирилмоқда

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАРҲАМАТ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ М.МАҲМУДОВ ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР**

Депутатлар томонидан ўтказилган таҳлиллар тумандаги 2 та транспорт уюшмасига 95 нафар транспорт эгаси аъзо бўлгани, жами ҳайдовчилар сони эса 162 нафарни ташкил этаётганини кўрсатди. Назорат-таҳлил давомида туманда 400 дан ортиқ транспорт воситаси йўловчи ташиш билан шуғулланаётгани маълум бўлди. Бу эса ҳудудда ноқонуний ишлаётган транспорт воситалари борлигини кўрсатаяпти.

— Депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган рейдлардан кейин соҳадаги аҳвол бирмунча тартибга тушди, – дейди туман кенгаши депутати Ортиқали Ҳусанов. — Бундан ташқари, йўловчилар учун ҳам қулайликлар яратилди. Хусусан, йўлкира ҳақидаги номутаносиблик бартараф этилиб, ноқонуний фаолият кўрсатаётган транспорт эгаларининг давлат рўйхатидан ўтишига эришилди.

Балиқчи туманида эса Юртбошимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Ш.Қирғизовнинг ҳисоботи эшитилди.

3→

УЧИНЧИ СЕКТОР

## Қарс икки қўлдан чиқиши керак

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ 440 ТА ННТ ВИЛОЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА**

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолияти алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас.

Зеро, айни пайтда республикамизда 5700 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, уларнинг 440 таси Тошкент вилоятида фаолият олиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2009-2011 йиллар мобайнида эълон қилинган грант танловларида Тошкент вилоятидаги 48 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг ижтимоий аҳамиятга молик 51 та лойиҳа билан иштирок этган. Парламент комиссияси қарорига мувофиқ, ана шу лойиҳаларнинг 11 таси муваффақиятли топилиб, уларга 122 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилган.

2→

БУГУНГИ СОНДА:

АСЛИДА САЙЛОВЧИЛАРНИ ЧАЛҒИТИШ ВА O`ZLIDEPНИ ОБРЎСИЗЛАНТИРИШГА УРИНАЁТГАНЛАР 2011 ЙИЛ ВА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ҚЎШРАБОТ, НУРОБОД ВА КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНЛАРИДА ХДП ТАШАББУСИ БИЛАН ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН БИРОРТА МАСАЛА СЕССИЯГА ОЛИБ ЧИҚИЛМАГАНИНИ, БУ ТУМАНЛАРДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТЛАРИНИНГ ТЕГИШЛИ РАВИШДА 9, 10 ВА 11 НАФАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАНЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛГАНЛАРИДА АНА ШУ ҲУДУДЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРАРМИДИ? 3▸

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 29 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**

статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1845,05 | 1 АҚШ доллари | ▲ 1871,44 | 1 Хитой юани | ▲ 295,24 | 1 Туркия лираси | ▼ 1016,04 | 1 Япония иенаси | ▲ 235,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 2939,10 | 1 Миср фунти | ▲ 310,20 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 595,72 | 1 Швейцария франки | ▼ 1961,06 | 1 Россия рубли | ▼ 58,93 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 317,23 | 1 Исландия кронаси | ▲ 14,49 | 1 Польша злотийси | ▼ 541,50 | 1 ЕВРО | ▼ 2372,61 | 1 Украина гривнаси | ▲ 234,15 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 509,53 | 1 Канада доллари | ▼ 1826,51 | 1 СДР | ▼ 2840,98 | 1 Жанубий Корея вони | ▼ 15,79 | | |

*) *Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Концепция

## Партиявий лойиҳалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»



— Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлатимиз раҳбари томонидан мазкур қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Шундан келиб чиқиб, янги қонун акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгаши, умумий йиғилишлар, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларга кўпроқ кафолатлар бериш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган меъёрлар билан тўлдирилмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, акциядорларга берилган ҳуқуқий кафолатларни самарали амалга ошириш ва ҳимоялаш, аввало, ҳар бир мамлакат қонунчилигида тегишли меъёрларнинг мустаҳкамланиши ва амалда қўлланиши билан боғлиқдир. Бу эса акциядорлик жамиятлари фаолиятининг миноритар акциядорларга кафолатлар беришни назарда тутувчи ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, корпоратив муносабатларнинг алоҳида томонларини тартибга солишдаги ноаниқликларни бартараф этиш, бошқарув муаммоларини камайтириш, улар учун қулай муҳит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашларича, айни пайтда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини сифат жиҳатдан мукаммаллаштириш лозим. Зеро, акциядорлик жамиятига маблағ киритган ҳар қандай сармоядор унинг юқори молиявий самарадорликка эришилишидан манфаатдордир.

Давлат мулки қўмитаси бошқарма бошлиғи М.Мансуровнинг таъкидлашича, янги таҳрирда тайёрланаётган қонун лойиҳасига корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва масъулиятини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормалар ҳам киритилмоқда. Қонун лойиҳаси, шунингдек, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш баҳоларини белгиловчи меъёрларни ҳам ўзида мужассамлаштирмоқда.

— Бугунги амалиётда жамият томонидан ўз акцияларини сотиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар кўпроқ учрамоқда, — деди Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори вазифасини бажарувчи А.Обидов. — Амалдаги қонун талабларига кўра, уларни сотиб олиш муддати камида 30 кунни ташкил этарди. Бу жараённи янада тезлаштириш мақсадида янги қонунда ушбу муддат 10 кунгача камайтирилаяпти.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, қонунчиликка киритилаётган бундай янгиликлар қимматли қоғозлар бозорида тадбиркорларнинг инвесторлар ва профессионал иштирокчилар сифатида кенг фаолият юритишларига зарур шароит яратиш, уларнинг ўз маблағларини акциялар ва бошқа молиявий воситаларга йўналтириш имконини кенгайтиришга хизмат қилади.

Республика Адлия, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзавтойўл", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат" компаниялари ҳамда Савдо-саноат палатасининг етакчи мутахассислари иштирок этган тадбирда қимматли қоғозлар бозорида замонавий ахборот технологияларидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда жойларда инвестиция муассасалари, инвесторларга хизмат кўрсатувчи маслаҳат шохобчаларини ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги ҳам таъкидланди. Амалий мулоқотда қимматли қоғозлар бозоридаги муносабатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтиришга доир аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

## Масъулият юки енгил эмас

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»



Партия Яккасарой туман кенгаши ташаббуси билан мазкур университетда ташкил этилган «Ижтимоий хавфли ва зарарли иллатларга қарши курашишда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги» мавзуидаги давра суҳбати айни йўналишдаги дастлабки тадбирлардан биридир.

Давра суҳбатида катта ҳаёт остонасида турган ёшлар билан маънавий тарбия, инсон саломатлиги, жамият ривожига салбий таъсир этаётган ичкиликбозлик каби иллатлар, эрта никоҳ қуриш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, балоғат ёшига етмаган қизлар, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари, оилада соғлом муҳитни шакллантириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан экани ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилди.

Тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигининг аҳамиятига тўхталди.

**— ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИДА «ТАЪЛИМНИ ТАРБИЯДАН, ТАРБИЯНИ ТАЪЛИМДАН АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ — БУ ШАРҚОНА ҚАРАШ, ШАРҚОНА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ» ЭКАНЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАН.**

— Аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор — жамиятнинг эртаси ва келажагига эътибордир, — деди у. — Фарзанд бу — ота-она умиди, юрт келажаги. Унинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб улғайиши ҳар биримизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бинобарин, хотин-қизлар, бўлажак оналар, уй бекаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш олдимиздаги долзарб вазифалардандир.

— Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» эканлиги алоҳида таъкидланган, — дейди университет проректори Валижон Эшқувватов. — Ушбу ҳаётий фалсафа ҳар биримизнинг кундалик шиоримизга айланиши лозим. Зеро, юрт келажаги учун қайғуриш ҳам касбий, ҳам инсоний бурчимиз ҳисобланади. Бугун ўқув даргоҳимизда 8300 нафардан ортиқ талаба таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 6 мингга яқини қизлардир. Шу маънода, O`zLiDeP билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганлигимиз алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бугун хотин-қизлардан нафақат олий маълумотли мутахассис ёки бирор касб эгаси, балки оилада уддабурон тадбиркор бўлиш ҳам талаб этилмоқда.

Тадбир қатнашчилари оилавий ҳаётга жисмонан ва психологик жиҳатдан тайёр бўлмаган ёшлар масаласига ҳам муносабат билдирдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Робахон Абдурасулова «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг 1-бандига асосан хотин-қизлар учун никоҳ ёшини 18 ёшгача ошириш белгиланаётганини таъкидлади.

— Бунинг учун етарли асослар бор, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Р.Абдурасулова. — 18 ёшга етмаган қиз ёки бола ҳуқуқий жиҳатдан вояга етмаган ҳисобланади. Вояга етмаганларни боқиш ва тарбиялаш мажбурияти эса Конституциямизнинг 64-моддасига асосан ота-оналар зиммасига юклатилган. Қолаверса, никоҳ ёшини 18 ёш этиб белгилаш аёлларнинг тўлақонли таълим олиши учун кенг имконият яратиш билан бирга турмуш қуриш ёшини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш имконини ҳам беради.

Давра суҳбатида O`zLiDeP Яккасарой туман кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими фаолиятини янада жонлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Партия сафида бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ талаба қизларни «Аёллар қаноти» қошидаги «Етакчи қизлар» клуби аъзолигига қабул қилиш таклифи ўртага ташланди.

**ТАДБИР**

## Бош прокуратурада учрашув

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА БИР ҚАТОР ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ, МАРКАЗИЙ БАНК ВАКИЛЛАРИ, ВИЛОЯТЛАР ҲОКИМЛАРИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ**

Учрашувда мамлакатимизда қулай инвестицион муҳит яратилганлиги, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли имтиёз, афзалликлар ва кафолатлар тизими барпо этилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил этилгани ва муваффақиятли фаолият юритаётгани қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатимизга хорижий инвестициянинг янада кенгроқ жалб қилиниши учун қулай шароит яратилишида муҳим омил бўлиши, шу сабабли, ушбу фармоннинг ижроси масъул идоралар томонидан тўлиқ таъминланиши шартлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, учрашувда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан сўзсиз риоя этилиши, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги; шунингдек, мазкур соҳада прокурор назорати кучайтирилиши ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси бўйича таъсирчан чоралар қўлланилиши, уларнинг қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши борасида қатъий талаблар қўйилди.

Учрашувда иштирок этган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан очиқ мулоқот ўтказилиб, муҳокама қилинган масала бўйича фикр алмашилди, шунингдек, улар давлат бошқаруви органлари масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва атрофлича жавоб олдилар.

Учрашувда мутасадди идораларга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин оширишга қаратилган тегишли тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
матбуот хизмати**

**СИЁСИЙ ТАЪЛИМ**

## Фаоллик қуйидан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Наргиза МУҲАММАДИЕВА,
O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» раҳбари

Ушбу ҳужжат айни кунларда ҳам марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлиб келмоқда.

Концепция асосида партия фаолларини бугунги соғлом рақобат муҳитида ғоявий етук, билимдон кадрлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Сиёсий таълим марказида ўтказилаётган семинар-тренингларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олим ҳамда мутахассислар жалб этилаяптики, бу ўқувларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Қолаверса, машғулотларда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўз фаолиятлари юзасидан ахборотларини тинглаш йўлга қўйилгани ҳам ижобий натижалар бераяпти.

Айни кунларда эса Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарининг мазмун-моҳиятини электоратимиз, кенг аҳолига етказишга жиддий эътибор қаратаяпмиз. Зеро, ушбу асарда мустақиллик арафасида жамият ҳаётида кечган воқеа-ҳодисалар ҳаққоний акс эттирилиши билан бирга одамларга ер ва мулк ажратиш, уларнинг бу борадаги манфаат ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчилик каби масалаларга кенг ўрин ажратилган. Шунинг ўзи мустақиллик остонасидаёқ мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари, хусусий мулк эгалари, мулкдорлар қатламини юзага келтириш учун илк ва ниҳоятда муҳим қадамлар қўйилганидан далолат беради. Асарни мутолаа қилар экансиз, унда тарихий ҳақиқатлар босқичма-босқич ифодаланганини истиқлол остонасидаёқ юртимизда «Инсон ва унинг манфаатлари бирламчи», деган тамойилга қатъий амал қилинганини теран ҳис этасиз.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилиниши эса зиммамиздаги масъулиятни ошириб, фаолиятимизни аниқ йўналишлар асосида ташкил этишга ундамоқда.

Қисқа қилиб айтганда, партиявий-сиёсий ишларни давр талаблари асосида ташкил этиб, омма орасига чуқурроқ кириб боришга, истиқлол ғояларини кенгроқ тарғиб қилишга интилаяпмиз. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнлари ҳар биримиздан сиёсий ҳушёр, фаол ва ишчан бўлишни талаб этади.

**Учинчи сектор**

## Қарс икки қўлдан чиқиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Акбаржон МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Таҳлилчилар ўтган давр мобайнида ана шу лойиҳалар асосида аҳолининг турли қатламлари — аёллар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган шахсларни доимий иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек, миллий ҳунармандчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, йирик корхоналар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда касаначиликни йўлга қўйишда ва албатта, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жойларда атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ижобий натижаларга эришилганлигини эътироф этмоқдалар.

Жумладан, вилоятда 700 нафарга яқин хотин-қиз, ёшлар ва жисмоний имконияти чекланган фуқаролар тадбиркорликнинг турли йўналишларига жалб этилди.

Агар 2009 йили вилоятда 2 та ННТ лойиҳаси грант ғолиби, деб топилган бўлса, ўтган йили 5 та нодавлат нотижорат ташкилот грант соҳибига айланган. Аммо ана шундай натижаларга қарамай, ўтган тўрт йилда 11 та грант маблағи қўлга киритилгани бу соҳага эътибор янада кучайтирилишини кўрсатаяпти.

Биз вилоятдаги ННТлар фаолиятини чуқур таҳлил этиб, учинчи сектор вакиллари томонидан амалга оширилаётган ишлар, аввало, вилоят аҳолисининг ижтимоий фаровонлигига хизмат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Фақат ана шу ишлар кўламини кенгайтириш, ННТлар фаолиятини янада жонлантириш талаб этилмоқда. Бу эса айни пайтда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди зиммасига катта масъулият юклайди, албатта.

Эътироф этиш керакки, аҳолининг турли ижтимоий қатламларини қайта касбга тайёрлаш ва иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Ҳозиргача вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан 17 та замонавий компьютер, 4 та тикув машинаси ва 26 та замонавий мебель харид қилиниб, 300 дан ортиқ фуқароларнинг касбга тайёрланишига амалий ёрдам кўрсатилган. Бу борада, айниқса, «Ибн Сино», «Армон», «Ниҳол» номли ННТларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Грант ғолибига айланганлар орасида маҳаллий газеталарнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Мана, масалан, «Бўстонлиқ овози» газетасини олайлик. Жамоа 6,5 млн. сўм миқдоридаги давлат грантини қўлга киритиб, газета саҳифасида «Фуқаро: сиёсат, ҳуқуқ ва маданият» номли алоҳида рукн очди. Унда турли ижтимоий масалалар ҳамда қонунларнинг Тошкент вилоятидаги ижроси хусусида 60 га яқин мақолалар чоп этилган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсади битта. У ҳам бўлса, давлат идоралари ва ННТлар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик алоқаларини янада кенгайтириш, шу тариқа жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

# Янги қонун билан 112 та ҳужжат бекор қилинади

**O'ZLIDEP НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАДБИРКОРЛАР, ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА**



**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI ASR»

Маълумки, Президент Концепцияси талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

— Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолияти соҳасида давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат изчиллигини таъминлашга хизмат қилади, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Лойиҳада назарда тутилаётган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар беришда "бир дарча" тамойилининг жорий қилиниши, бир-бирини такрорловчи 112 та ҳужжатнинг рўйхатдан чиқариб ташланиши тадбиркорларнинг қимматли вақтини тежаш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини беради, албатта.

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган юртдошларимизга янада кўпроқ қулайлик яратади, — дейди карманалик тадбиркор, O'zLiDeP фаоли Маҳфуза Қаюмова. — «Мустаҳкам оила йили»да оилавий тадбиркорлар учун берилаётган имтиёз ва яратилаётган шарт-шароитлар барчамизни қувонтирмоқда. Тадбиркор оғирини енгил, мушкулини осон қилишга қаратилган бундай изчил ишлар ўрта синф вакилларининг янада самаралироқ фаолият юритишга, юрт равнақи, Ватан тараққиёти йўлида бор куч ва имкониятларни сафарбар этишга ундайди.

Партия фаолларининг фикрича, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масалаларининг бугунги ҳолати» мавзуидаги бундай семинарларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказиш кўзда тутилаяпти.

**ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

# Андижонда депутатлик назорати кучайтирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

— Туманда жами 3076 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган,— дейди Ш.Қирғизов. — 2011 йилда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 1112 та тадбиркордан ариза тушган бўлиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Уларни рўйхатга олишда "бир дарча" тамойилига амал қилинди.

Шу ўринда рўйхатдан ўтганларнинг 98,6 фоизи иш юритаётгани, фаолияти тўхтаб қолган 50 та субъект эса тугатиш комиссияси томонидан ўрганилиб, уларнинг 33 тасига амалий ёрдам кўрсатилганини таъкидлаш мумкин. Лекин депутатлар 17 та тадбиркорлик тузилмаси иши тўхтаб қолганига эътибор қаратиб, бу масалага мутасадди идоралар аралашуви зарур, деган хулосага келдилар.

Халқ депутатлари Улуғнор туман кенгашидаги O'zLiDeP вакиллари эса бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари И.Баҳодирхоновнинг ҳисоботини эшитишди. Марказ томонидан ўтган йилда режадаги 3133 та ўрнига 3211 та иш ўрни яратилган. Аммо бу ҳали кўриқ туман аҳолиси тўла иш билан таъминланганини англатмайди. Депутатлар туманда фойдаланилмаётган имкониятларни атрофлича таҳлил этдилар.

— Партиямиздан сайланган депутатлар фаоллиги, электорат олдидаги масъулияти ортиб бораётгани қувонарли, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгашининг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Жалолов. — Шу йилнинг биринчи чорагидагина депутатлар томонидан 6 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди, 5 та назорат-таҳлил тартибида текшириш ўтказилиб, ушбу масалаларни сессия муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Андижондаги фаолларимиз, айниқса, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олган сиёсий куч сифатида электорат манфаатини ҳимоя қилиш, сайловчилар ишончини мустаҳкамлаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

**«UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO – 2012»**

# ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-САВДО ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄



— Бизга "Kronen" компанияси таклиф қилаётган мева-сабзавотни қайта ишловчи кичик цех маъқул бўлди, — дейди Анвар Ашуров. — Мазкур цех ёрдамида консерва тайёрлаш ёки меваларни қуритиш мумкин. Нархи ҳам чўнтакбоп. Шунингдек, Малайзияда ишлаб чиқарилган, энергияси тежамкор, соатига 150 килограмм шолини тозалаш ва қадоқлаш технологияси ҳам диққатимизни тортди. Ушбу технологияларни "Агробанк"дан олинган сармоя эвазига харид қилдик.

Кўргазмада иштирок этаётган мулкдорлар кўпроқ қайта ишлаш технологиялари ва қишлоқ хўжалиги техникасига қизиқиш билдираётир. Наманган вилоятининг Туракўрғон туманидан келган Сабоҳат Жакбаралиева бир йўла учта компания билан шартнома имзолади.

— Боғдорчилик, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва асаларичиликда етарлича тажриба тўплаб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди "Султон" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари С.Жакбаралиева. — Ўтган йили боғимизда етиштирилган мевадан қайта ишлаш цехимизда 30 минг банка мураббо ва шарбат тайёрладик. Энди макарон ишлаб чиқариш ниятидамиз. Кўргазмада Хитойнинг шундай технологиясини харид қилиш бўйича шартнома имзоладик. Шунингдек, ғўзага ишлов берадиган трактор ҳамда экскаватор сотиб олиш бўйича ҳам келишувга эришдик.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири**

**Fund forum**

# ҚВПГА ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ўтказилаётган «Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаси доирасида Хонобод шаҳридаги Фозилмон қишлоқ врачлик пунктига қуёш батареялари ўрнатилди.**

**— Қишлоқ врачлик пунктимиз 10 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди ҚВП мудири И.Исоқова. — Ушбу лойиҳа тиббий хизматдаги барча ускуналарни мунтазам электр энергияси билан таъминлашда жуда қўл келмоқда.**

**Муносабат**

# Ҳар ким камчиликни ўзидан ахтариши керак

**БУТУН ДУНЁДА «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МАШҲУР БЕШ ТАМОЙИЛНИНГ БИРИ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ СИЁСАТДАН УСТУНЛИГИДИР. МАМЛАКАТДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ УЧУН ЭСА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ЯНАДА ЖАДАЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ**

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Шу маънода, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши натижасида сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй бериб, сиёсий майдондаги ғоявий кураш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, вакиллик органларининг ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Илгари фақат сайловлар арафасида юз берадиган партиялараро мунозара муҳити айни пайтда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар фаолиятида ҳам қарор топди. Ғоя ва дастурлар кураши, электорат манфаати нуқтаи назаридан асосли ташаббус ва аниқ таклифлар билан чиқиш жараёнининг доимий тус ола бошлагани эса сиёсий партияларнинг ўз мақсад-муддаоларига айнан мана шу йўл билан эришишга интилаётганидан далолатдир.

Бундай имкониятлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган, ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга ҳалақит бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда, энг аввало, O'zLiDePнинг Сайловолди дастури (платформаси)ни амалга оширишда депутатлик гуруҳлари фаоллигини кучайтириш, жойлардаги мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенгайтириш эвазига ҳудудий дастурлар ижроси қатъий назоратга олинаяпти.

— Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Қўшработ, Каттақўрғон, Нарпай ва Тайлоқ туманларидаги ижроси ўрганилиб, мазкур ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди, — дейди вилоят кенгаши раиси ўринбосари Илҳом Ботиров. — Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги сафдошларимиз эса Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини ўргандилар. Бундан ташқари, Пастдарғомда «Агробанк», «Микрокредитбанк» ҳамда «Халқ банки» филиаллари бошқарувчиларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан таъминлаш борасидаги фаолияти назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқилди.

Агар депутатлик гуруҳлари йиғилишларида муҳокама қилинаётган масалаларни атрофлича таҳлил қилсак, улар айнан электорат манфаатига қаратилганини, тадбирларда узвийлик ва изчилликка қатъий амал қилинаётганини кўрамиз. Чунки ҳар бир тадбир мавзуи O'zLiDeP Сайловолди дастури (платформаси)да белгилаб олинган вазифалардан келиб чиққан ҳолда танланмоқда. Бошқача айтганда, уларда сайловчиларга берилган ваъдалар ва электорат манфаати устувор аҳамият касб этаяпти.

Масалан, халқ депутатлари Оқдарё ва Нуробод туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг ушбу туманлардаги ижросини муҳокама қилган бўлса, Қўшработда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш, улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Бу Самарқандда тадбиркорлар, фермерлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари фаолиятига доир қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан қатъий назорат қилинаётганини кўрсатади. Жорий йилнинг биринчи чорагида O'zLiDeP фаоллари ташаббуси билан 4 та долзарб масала халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилингани ҳам бежиз эмас.

## O'ZLIDEP ЭЛЕКТОРАТИ

**ВАКИЛЛАРИ СОНИ ҚАНЧА ОРТСА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТГА ШУНЧАЛИК НАФ КЕЛТИРИЛАДИ. ЛЕКИН АНА ШУНДАЙ БИР ПАЙТДА АЙРИМ ҲУДУДЛАРДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ ТАШАББУСКОР ВА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИНИ ЧУҚУР АНГЛАЁТГАН ТАДБИРКОР ЮРТДОШЛАРИМИЗ НОМИНИ ЁМОНОТЛИҚҚА ЧИҚАРИШ ОРҚАЛИ ЕНГИЛ ОБРЎ ҚОЗОНИШГА УРИНАЁТГАНЛАРИ ТААЖЖУБЛАНАРЛИ ҲОЛДИР.**

— Аҳоли бандлигини таъминлаш орқали улар даромадини янада ошириш хусусий тадбиркорлик имкониятларидан қанчалик фойдаланишимизга боғлиқ бўлиб қолмоқда, — дейди O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Жаҳонгир Хўжамқулов. — Ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнес вакиллари сафини янада кенгайтиришда улар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган муҳокамаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Суҳбатдошимизнинг фикрича, O'zLiDeP электорати вакиллари сони қанча ортса, давлат ва жамиятга шунчалик наф келтирилади. Лекин ана шундай бир пайтда айрим ҳудудлардаги сиёсий партиялар вакиллари ташаббускор ва замон талабларини чуқур англаётган тадбиркор юртдошларимиз номини ёмонотлиққа чиқариш орқали енгил обрў қозонишга уринаётганлари таажжубланарли ҳолдир.

Мана, бир мисол. Яқинда ХДП нашрида Пастдарғом туманидаги «Орифен» қўшма корхонасининг мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланмаётгани ёки «Самарқанд консерва» заводида самарадорлик пастлигида бизнинг партиямиз айбдор қилиб кўрсатилди. Ваҳоланки, ана шу ташкилотларда белгиланган режаларга қатъий амал қилинмоқда. Ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш масалалари доимий эътиборда. O'zLiDePга «тош отаётган» ХДП вакилларининг ёзишича, ўтган йили Самарқанд вилоятида халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари сессиясига либераллар ташаббуси билан биронта ҳам масала киритилмаган эмиш. Шу ўринда, туман (шаҳар) кенгашларидаги ХДП вакиллари O'zLiDeP ташаббуси билан сессияларга киритилган муҳокамалар чоғида қаерда эдилар, дегинг келади. Чунки бошқа депутатлар қаторида ХДП аъзолари ҳам ана шу сессиялар қарорларини қўллаб-қувватлаб овоз берганлар.

Аслида сайловчиларни чалғитиш ва O'zLiDePни обрўсизлантиришга уринаётганларнинг ўзи 2011 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида Қўшработ, Нуробод ва Каттақўрғон туманларида ХДП ташаббуси билан партия электоратини ўйлантираётган бирорта масала сессияга олиб чиқилмаганини, бу туманларда халқ демократларининг тегишли равишда 9, 10 ва 11 нафар депутатлари фаолият юритаётганларини муҳокама қилганларида ана шу ҳудудлардаги депутатлар фаолиятида ўзгаришлар юз берармиди?

Зеро, Халқ демократик партияси дастурида ушбу сиёсий куч «ўз оиласини боқиш учун доимий ва барқарор даромадлар манбаига эга бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликларга учраётган ва тегишли ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар, олинаётган пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси турмуш кечириш учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалардаги аёллар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари, ишда ва меҳнатга ҳақ тўлашда талаблари иш берувчилар олдида ишончли ҳимоя қилинишига муҳтож одамлар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади» дея аниқ белгилаб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар ким камчиликни ўзидан ахтариши керак. Рақобатчи партияларни асоссиз танқид қилишни сиёсий фаоллик сифатида қабул қилаётган ХДП аъзолари бу ҳақиқатни қачон англаб етаркан?!

# Иқтисодиёт

## Дастурхонимиз тўкинлиги йўлида

**МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, БУГУН ЖАҲОНДАГИ 86 ТА ДАВЛАТ ЎЗ АҲОЛИСИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙ ОЛМАЙДИ**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**
«XXI ASR»

Шу боис ҳам ер юзида 1 миллиардга яқин киши очликдан азоб чекмоқда. Кейинги йилларда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари сабабли ёғингарчилик, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар содир бўлиши кучайиб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасая бошлади. Экин учун яроқли ерлар камайди, сув таъминоти масаласи эса анча оғирлашди. Натижада озиқ-овқат танқислиги кучайиб, унинг таннархи ошиб бораётир.

Минг шукрки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида салмоқли ютуқларга эришилди. Айрим қўшни мамлакатларда аҳоли эҳтиёжининг атиги 50-55 фоизи ўзида ишлаб чиқарилган дон маҳсулотлари ҳисобига қондирилаётган бўлса, Ўзбекистон ўзини-ўзи ғалла билан таъминлабгина қолмай, уни экспорт ҳам қилмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, соҳага янги технологияларни жорий этиш ҳисобига тармоқда юқори иқтисодий самарадорликка эришилаётир. - Жумладан, сўнгги беш йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажми 1,7 мартага ошди. Фермер хўжаликлари, агрофирмалар, тармоқ корхоналари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун жойларда 200 дан кўпроқ янги технологик линиялар ўрнатилди.

Бундай ютуқларда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 110 дан ортиқ илмий ва илмий-техник ходимлар иш олиб бораётган институтнинг тадқиқотлар ўтказиш ва уруғчиликни ривожлантириш учун ўз тажриба хўжалиги ҳамда етарли моддий-техника базаларидан унумли фойдаланилмоқда. Жумладан, Тошкент тажриба хўжалиги, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги таянч бўлимларининг жами ер майдони 447 гектарни ташкил этади. Институт ва унинг вилоятлардаги таянч бўлимлари томонидан сабзавот, полиз экинларининг 20-22 тури ва 45-50 нави бўйича ҳар йили 14-16 тонна суперэлита, элита ва биринчи репродукцияли уруғлар етиштирилаяпти.

Шуни айтиш керакки, шу кунгача сабзавот, полиз экинлари янги навларининг бирламчи уруғчилиги бўйича 3 та инновацион лойиҳа амалиётга жорий этилиб, уларда сабзавот ва полиз экинларининг 10 та тури 25 та янги навлари бўйича бирламчи уруғлик жараёни назарда тутилган. Лойиҳага асосан, янги навлар софлигини таъминлаш мақсадида 841 та якка танлов ўтказилиб, 485 кг. суперэлита ва 2045 кг. элита уруғлари тайёрланди. Муассаса олимлари томонидан помидорнинг иссиқхоналар учун мўлжалланган «Аве-Мария», «Субҳидам», «Турон» навлари ва «Сайхун $F_1$», «Баҳор $F_1$» навли дурагайлари яратилди. Иссиқхоналарда 100 дан ортиқ хорижий навлар ва дурагайлар синовдан ўтказилиб, истиқболли, деб топилганлари селекция жараёни ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Истиқлол йилларида институт олимлари томонидан сабзавот экинларининг 66 та, полиз экинларининг 20 та ва картошканинг 9 та нави ҳамда $F_1$ дурагайлари яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Сабзавот ва полиз уруғчилиги тизимини янада ривожлантириш мақсадида ҳар бир минтақада уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, сабзавот ва полиз уруғчилиги бўйича селекция ишларини янада такомиллаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини серҳосил, сифатли уруғликлар билан таъминлаш мақсадида институт қошида биотехнология лабораториясини ташкил этиш кўзда тутилаяпти. Бу эса 2012 йилда 45,5 тонна, 2013 йилга бориб эса 50 тонна суперэлита ва элита сабзавот-полиз уруғлари тайёрлаш имконини беради.

– Дунё андозалари даражасида иш юритиш асосий мақсадларимиздандир. Кейинги йилларда помидорнинг иссиқхоналар учун мўлжалланган «Сайхун $F_1$» «Баҳор $F_1$» очиқ майдонлар учун «Нурафшон $F_1$», ширин қалампирнинг «Жайхун $F_1$», бақлажоннинг «Замин $F_1$» тарвузнинг «Чиллаки $F_1$» дурагайлари яратилди ва давлат реестрига киритилди, — дейди биз билан суҳбатда институт директори Рафиқ Ҳакимов. — Селекция ишларини олиб боришда биз Халқаро сабзавотчилик (АЦИРО, Тайвань) ва Халқаро картошкачилик Маркази (CIP, Перу), Бутунроссия сабзавот экинлари, Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик, Азербайжон сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, Кореянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маркази боғдорчилик ва доривор ўсимликлар миллий илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Халқаро картошкачилик маркази (CIP) билан ҳамкорликда 2005 йилдан бошлаб Перудан келтирилган 74 та клон намуналари атрофлича ўрганилди ва улардан 20 таси истиқболли, деб топилди. Селекция ишлари натижасида серҳосил «Сарнав» ва «Пском» навлари яратилиб, давлат реестрига киритилди.

Институтда илмий натижаларни амалиётга жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Сабзавот ва полиз экинларининг янги навлари фермер ва деҳқон хўжаликларида ҳар йили 60-65 минг гектар майдонга, картошканинг «Умид-2», «Сарнав», «Диёра» маҳаллий навлари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида 4,5-5 минг гектар майдонга экилаяпти. Институт селекционерлари томонидан яратилган сабзавот экинларининг 52 та, полизнинг 15 та, картошканинг 6 та нави учун муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Бир сўз билан айтганда, институт олимлари томонидан олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотлар бугун реал натижалар бермоқда. Шу асосда мустақиллик йилларида 2 та монография, 20 та китоб, 827 та илмий-мақола 45 та рисола ва тавсияномалар чоп этилди. Улардан 233 таси хорижий нашрларда эълон қилинди.

Зеро, бундай изланишлардан кўзда тутилган мақсад жамият тараққиёти, озиқ-овқат мўл-кўллигига муносиб ҳисса қўшишдир.

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

## Мижоз манфаати бирламчи



**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИНИ БАНК МУАССАСАЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО, УЛАР ТОМОНИДАН МИЖОЗЛАРГА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, «Ипотека-банк»нинг Миробод филиали ҳам мижозларга яқин мададкор ва камарбаста бўлишга интилаётир. Жумладан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори 14083 млн. сўмни ташкил этди. Амалий саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, жойларда кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банкларининг молиявий кўмаги билан айни соҳага ихтисослашган корхоналар сони ортиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Бу эса ички бозорни маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришда алоҳида ўрин тутаяпти. «Ипотека-банк»нинг Миробод филиали жамоаси ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳага 2654,5 млн. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Шу билан бирга ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳам молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилнинг айни давригача ушбу мақсадлар учун 2898,7 млн. сўм кредит маблағи ажратилганлиги фикримиз далилидир.

Маълумки, ёш оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, мустақил ҳаёт йўлида уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилашда яқин мададкор бўлиш ислоҳотлар жараёнидаги долзарб масалалардан бири саналади. Йил бошидан буён филиал томонидан ёш оилаларга ажратилган кредитлар миқдори 131 млн. сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1 996,9 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Инвестицион кредитлар ҳажми 3 837 млн. сўм, бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида йўналтирилган кредитлар миқдори эса 94,7 млн. сўмдан зиёдроқдир.

Кези келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўз келажагини ушбу соҳа билан боғлаган йигит-қизлар филиал жамоасининг эътиборидан четда эмас. Жумладан, айни пайтгача касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун 20 млн. сўм кредит ажратилди. Йил охиригача ушбу миқдорни бир неча баробарга ошириш кўзда тутилаяпти.

Шунингдек, имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 50 млн. сўм кредит сармояси ажратилган бўлиб, унинг 35 млн. сўми «MA`RUF MEBELLARI» масъулияти чекланган жамияти ҳиссасига тўғри келади. 2009 йилдан буён «Ипотека-банк»нинг Миробод филиали мижози ҳисобланган ушбу корхона кредит маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш, шу ҳисобдан коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашни режалаштирган. Корхона мебельсозликка ихтисослашган бўлиб, унинг юқори сифатли маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ипотека-банк»нинг Миробод филиали ҳаётий талаб ва эҳтиёжлар асосида фаолият юритмоқда. Мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини янада ошириш жамоанинг яқин келажакдаги эзгу мақсадидир.

**ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ҚИШЛОҚДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ**

## Фидойилик рағбатсиз қолмайди

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒЛИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН НУРОБОД ТУМАНИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШ ОСОН ЭМАС. ЙИЛ БЎЙИ ТАБИАТ БОР ИНЖИҚЛИКЛАРИ БИЛАН МИРИШКОРЛАРНИ СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ. ГОҲ СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ЮЗ БЕРСА, ГОҲИДА КУЧЛИ ЖАЛА ҲОСИЛНИ ЮВИБ КЕТИШИ МУМКИН. ЛЕКИН УЛАР МЕҲНАТ ҚИЛИШДА ДАВОМ ЭТАВЕРАДИЛАР**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

Аммо шунга қарамай, фидойи фермерлар элюрт манфаати йўлида изланаверадилар. «Тошқин» фермер хўжалиги раҳбари Акром Авғоновнинг фермерлик ҳаракатига қўшилганига 18 йил бўлди. Фермер дастлаб 3 гектар майдонда иш бошлаган бўлса, бугунга келиб унинг 157 гектар ери бор.

— Деҳқончилик мавсумини пилла билан бошлаймиз, — дейди А.Авғонов. — Ҳозир 6 қути ипак қуртини парваришлаяпмиз. Ҳосил чўғидан умидимиз катта. Пиллани топширгач, ғалла ўримига киришамиз. Бу йил 78 гектар майдонга ғалланинг «Таня» навидан экдик. Бундан ташқари, яна шунча гектар майдонда ғўзанинг «Бухоро-102» нави бўй чўзмоқда.

Фермер хўжалигининг диққатимизни тортган жиҳатларидан бири ишчиларнинг аксарияти O`zLiDeP аъзолари экани бўлди.

— Биз O`zLiDePга бежиз аъзо бўлмаганмиз, — дейди Акром Авғонов. — Чунки партиямиз мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилади. Фермер эса қишлоқ мулкдори. Яна шуни ҳам айтиш керакки, партиямиз янгиликка интилувчан кишилар партияси ҳамдир.

Ҳар куни эрталаб экин майдонларини айланар эканман, кўнглим яйрайди. Бизга ишониб топширилган далаларда мўл ҳосил олиш учун меҳнат қилиш роҳат бағишлайди кишига. O`zLiDePнинг фермерларни чорлаб турли семинарлар ташкил этиши, янги қонун лойиҳаларини яратишда қишлоқ мулкдорларининг фикрини билишга интилиши бизни янада руҳлантиради. Бугунги кунда хўжалигимиздаги БПТ аъзолари 10 нафарни ташкил этмоқда. Улар орасида Тоштемир Рўзиев, Бектош Жўраев, Даврон Нормирзаев, Машраф Муҳаммадиев, Жамол ва Бектемир Тўқсориевлар меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бундай фидойилик рағбатсиз қолмайди, албатта. Мазкур фермер хўжалиги «Ташаббус» кўрик-танловининг жорий йилги туман босқичида биринчи ўринни эгаллагани, нуфузли танловнинг вилоят босқичида ҳам муносиб совғалар билан тақдирланган фикримиз далилидир. Фермернинг ютуқларидан яна бири — ўтган йили «Мустақилликка 20 йил» кўкрак нишони билан мукофотланганидир. Бу каби эътирофлар фермерга олам қадар фахр ва қувват бўлмоқда.

**Фармацевтика**

### ЭКСПОРТ ЎСДИ. ЯНГИ ДОРИЛАР ТУРИ ЭСА КЎПАЙДИ

**«Ўзфармсаноат» ДАК ахборот хизматидан хабар қилинишича, 2012 йилнинг I чорагида компания тасарруфидаги корхоналар томонидан 66,3 млрд. сўмлик маҳсулот (шу жумладан, 55 млрд. сўмлик дори-дармон, 6,6 млрд. сўмга тенг тиббиёт жиҳозлари ва 3 млрд. сўмлик ёрдамчи материаллар) ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш 117,2 фоизни ташкил қилган.**

**Компания жорий йилнинг I чорагида 223 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган бўлсада, амалда бу режа 164,3 фоизга бажарилиб, хорижга 333,3 минг долларлик дори ва тиббиёт маҳсулотлари экспорт қилинди.**

**Соҳа мутахассислари ҳисобот даврида 7 та корхона томонидан 13 хил номдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини таъкидламоқдалар.**

Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.

**Эълон**



**ЖИЗЗАХ.** *O'zLiDeP вилоят кенгашида БПТ маслаҳатчиларининг билим ва малакасини оширишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда қатнашган 19 нафар фаолларга ҳужжатларни юритиш бўйича амалий йўл-йўриқлар берилиб, партиянинг айни пайтдаги энг долзарб вазифалари юзасидан атрофлича фикр юритилди. Семинарда бундай фойдали тадбирларни ҳар ойда икки марта ўтказилишига келишиб олинди.*

**АНДИЖОН.** *«Турон ҳамроҳ келажаги» корхонаси қошидаги БПТда «Оила — жамиятнинг асосий бўғини: тадбиркорликдан — оилавий фаровонликка» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг моҳияти бўйича батафсил тушунча берилди.*

**БУХОРО.** *«Бухоро халқаро аэропорти» қошидаги бошланғич ташкилотда шаҳар кенгаши вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. БПТлар фаолиятини такомиллаштириш, аҳоли билан ишлашда уларнинг таъсир кучини ошириш масалаларига бағишланган тадбирда партиявий ғояларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари ҳамда воситалари хусусида сўз борди.*

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 ЙИЛ 31 МАЙ, ПАЙШАНБА 22-(446)-СОН

## Имкониятлар ўз қўлимизда

**ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛЛАРГА ҚАРАГАНДА, КИЧИК БИЗНЕСДА ТЕЗ ОЁҚҚА ТУРИБ ОЛИШ МУМКИН БЎЛГАН, НИСБАТАН КАМ БОШЛАНҒИЧ САРМОЯ ВА РЕСУРС ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ЙЎНАЛИШ БУ – СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДИР**



**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»

«Авилон ФЦ» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари ҳам пойтахтимизнинг Яккасарой туманида ўз ишларини йўлга қўйганларида ана шу жиҳатни инобатга олишган эди. Асосан совутиш тизимлари ўрнатиш ва уларни таъмирлашга ихтисослашган мазкур корхона пойтахтда тез мижозлар орттирди. Айни пайтда корхона фаолияти кенгайиб, мижозлар сони ва даромадлари ҳам ошиб бормоқда. Айтайлик, ўтган йилги соф даромад 20 миллион 400 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 6 миллион 700 минг сўм даромад олинди. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 31 фоизга кўп демакдир. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Ортган маблағлар ҳисобидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда. Корхона ходимларининг таъкидлашича, эришилаётган муваффақиятлар, энг аввало, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар шарофатидандир.

— O'zLiDeP ўз номи билан тадбиркорлар ва ишбилармонлар партияси экани бизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди корхона директори Равшан Солиҳов. — Шу боис жамоамизда унинг сиёсий мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Биз аъзо бўлгач, бошқа ишчи-хизматчиларимиз ҳам партия сафига кириш истагини билдирдилар. Қарабсизки, 10 кишидан зиёд O'zLiDeP аъзолари ҳамкорликда меҳнат қила бошладик. Айниқса, бошланғич ташкилотга асос солингач, ишларимиз анча изга тушди. Ҳужжатларни юритиш, муҳим сиёсий тадбирларни ўтказишда туман партия кенгаши яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Ҳозир ходимларимиз партиявий фаолият ҳақида унча-мунча сиёсатчидан кам билишмайди. Уларнинг таклифлари асосида бошланғич ташкилотга тажрибали муҳандис, ҳалол меҳнати орқали жамоада обрў-эътибор қозонган Абдужамил Муталов раис этиб сайланди. У ўрни келганда қатъиятли раҳбар ҳамда партия аъзолари билан яқин дўст сифатида гаплаша олади. Ана шу жиҳатлари билан у бошқа маслакдошларимизга ҳамиша ўрнакдир.

Ҳақиқатан ҳам корхонадаги партия аъзолари билан суҳбатлашсангиз, етакчини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади, ғоявий-сиёсий соҳада ундан кўп нарса ўрганишаётганларини таъкидлашади. Энг муҳими, ҳар қандай партиявий топшириқ ўз муддатида ижро этилмоқда. Бу ҳол ишлаб чиқариш жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатаяпти. Хусусан, белгиланган режа-топшириқларга тўла масъулият билан ёндашилаётганлиги эътиборга моликдир. Корхонада ижро интизоми яхшиланиб, хизмат маданияти ошиб бормоқдаки, бунда партиявий фаолиятнинг бевосита таъсири бор. Зеро, энди ходимлар муштарак сиёсий куч аъзоси сифатида ўз соҳаларига, умуман, ҳаётга бошқача назар билан қарамоқдалар.

– Бугунги ислоҳотлар жараёни зиммамизга янги вазифаларни юкламоқда, — дейди бошланғич ташкилот раиси Абдужамил Муталов. — Улар ижросини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим, албатта. Замон шуни тақозо этмоқда. Фаолларимизга келсак, улар дуч келаётган муаммоларга бефарқ қарашга асло ҳаққимиз йўқ. Турли ҳаётий масалаларни қонун доирасида ҳал қилишга, вазиятдан келиб чиққан ҳолда йўл-йўриқ кўрсатишга интилаяпмиз. Асосий эътибор партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган. Бу борада O'zLiDeP шаҳар ва туман кенгашлари масъуллари яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳадемай ходимларимизни «Сиёсий таълим маркази»да ўқитиш бўйича амалий чора-тадбирлар бошлаб юборилади.

Ҳа, «Авилон ФЦ» қошидаги бошланғич партия ташкилоти ғоявий-сиёсий жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Унинг фаолиятида яна бир муҳим жиҳатни пайқадик: корхонадаги аксарият ишчи-хизматчилар мутолаага меҳр қўйишган экан. Бошланғич партия ташкилоти саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мўъжаз кутубхонадаги адабиётлар қўлдан қўймай ўқилмоқда. Бу ҳам бўлса, сиёсий чиниқишнинг зарур омилларидан биридир.

### «Аёллар қаноти»

**БУХОРО**

«Аёллар қаноти»нинг Ғиждувон туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбир хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги ва жамиятдаги ўрнини янада ошириш масаласига бағишланди. Анжуманда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳияти, шунингдек, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти борасида фикр алмашилди.

**СУРХОНДАРЁ**

O`zLiDeP Денов туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбати "Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш: маҳаллий ва хорижий тажриба» мавзусига бағишланди.

Партия фаоллари, маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, ёш тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирда тадбиркорлик соҳасида юзага келаётган айрим муаммолар, уларнинг мақбул ечимларини топиш, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида яшовчи ёшлар ва хотин-қизларни кичик бизнесга кенгроқ жалб қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

O`zLiDeP Ангрен шаҳар кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими ташаббуси билан Бўстон маҳалласида ташкил этилган спорт мусобақаларида тадбиркорлар ўз оила аъзолари билан иштирок этди.

«Отам, онам ва мен» — спортчилар оиласи шиори остида ўтказилган мазкур спорт мусобақасининг етти йўналишдаги шартларида ғолибликни қўлга киритган Ковалевскийлар оиласи биринчи, Аҳмедовлар оиласи иккинчи, Қўзиевлар оиласи учинчи ўринни қўлга киритди.

**Наргиза Қаххорова тайёрлади.**

## «Самарқандтранс» ташаббускорлари

**МАЪЛУМКИ, КОММУНИКАЦИЯ ВА ЛОГИСТИКА ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ЗЕРО, ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ ОДАМЛАР УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-ТИЖОРАТ РИВОЖИГА ҲАМ КАТТА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ**

**Ўз мухбиримиз**



Самарқанд вилоятида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни «Самарқандтранс» маркази ўз зиммасига олган бўлиб, ҳудуддаги 667 та автобус, 85 та микроавтобус, 2546 та йўналишли такси, 1162 та енгил автомашиналар паркига эга автотранспорт корхоналари фаолияти шу марказ томонидан мувофиқлаштирилади.

«Самарқандтранс» марказининг муваффақиятли фаолият юритишида 2009 йилда ташкил этилган O'zLiDeP бошланғич партия ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тадбиркорларни ҳимоя қилиш ва либерал-демократик ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилиши учун интилаётган O'zLiDeP фаоллари вилоят аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатувчи хусусий субъектларни ривожлантириш ҳамда вилоят транспорт тизими фаолиятини янада такомиллаштиришдан бевосита манфаатдордир.

Эътиборли томони, БПТ эндигина тузилганида 8 кишидан иборат бўлган маслакдошлар сафи йил сайин кенгайиб, айни кунда 230 кишига етган.

— Буни, энг аввало, корхона ишчи-хизматчилари орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг яхши йўлга қўйилгани билан изоҳлаш мумкин, — дейди БПТ раисининг ўринбосари Абдурасул Ҳакимов. – Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, партия ва электорат орасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, қолаверса, аъзоларимиз ўртасидаги жипсликни сақлаш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида тез-тез йиғилишиб, учрашувлар уюштириб турамиз. Жорий йилнинг илк чорагида 31 та шундай тадбир ўтказдик.

БПТ мутасаддиси таъкидлаганидек, қуйи бўғин ишида партия аъзолари фаоллигига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир партия аъзоси ўз вазифасига эга бўлиб, уларга тегишли партиявий йўналишлар бўйича масъулият юклатилган. Қолаверса, жамоа анчагина катталиги боис, БПТ таркибида ташкилий-партиявий, тарғибот-ташвиқот, аёллар масалалари, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича 5 та ишчи гуруҳи тузилган.

— БПТ аъзоларининг корхонамиз муваффақиятларидаги ҳиссасини эътироф этмасликнинг иложи йўқ, — дейди «Самарқандтранс» маркази бош директори, O'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Иноятулло Ҳамроев. — Зеро, улар электорат билан бевосита мулоқотда бўлувчи тузилма сифатида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги таклиф ва шикоятларни жиддий ўрганиб чиқишади. Маслакдошлар ўртасидаги ўзаро муҳокамалар жараёнида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар тайёрланиб, корхона раҳбариятига тақдим этиб борилади. Хусусан, шаҳар аҳолисининг талаби асосида 116 та йўналишли такси хизмати тугатилиб, 68 та янги автобус йўналишлари ташкил этилди. Жойларда янги нозимлик пунктлари ва автошоҳбекатлар барпо этилмоқда. Шаҳар кўчаларида 99 та замонавий бекатлар қурилиб, мавжуд 124 та бекат йўналиш ҳамда транспорт хизматидан фойдаланиш тартиби билан боғлиқ зарурий маълумот лавҳалари билан жиҳозланди.

Айниқса, Самарқанд шаҳрини туманлар марказлари билан боғлаш бўйича янгидан-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, вилоят маъмурий марказини Булунғур, Пайариқ, Пастдарғом, Каттақўрғон туманлари билан боғловчи йўналишларда автобуслар сони кўпайтирилди. Самарқанд шаҳридан туманларга ҳаракатланувчи 10 дан ортиқ, туманлар ичида ҳаракатланувчи 30 дан зиёд йўналишли таксилар қатнови йўлга қўйилди. Яқин келажакда ушбу йўналишларни яна 70 та ISUZU автобуслари билан кучайтириш кўзда тутиляпти.

Тарғибот ишларининг самараси ўлароқ, айни пайтда вилоятда сариқ рангга бўялган 742 та йўналишсиз такси аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 690 тасига махсус давлат рақамлари берилиб, фаолияти лицензияланган. Шу билан бирга, шаҳарда такси хизмати сифатини ошириш мақсадида имтиёзли кредит ёки лизинг асосида қўшимча 1050 та енгил автомашина олишни режалаштирганмиз.

Хулоса қилиб айтганда, корхона қошидаги БПТда уюшган партия аъзолари ўзларининг ташаббускорлиги, жонкуярлиги билан нафақат маслакдошларига, балки корхона жамоасига ҳам ибрат бўлишмоқда. Мўминжон Аҳроров, Одил Қамаров, Маъмур Тоҳиров, Алижон Аҳмедов, Шерали Неъматов каби фаол либералларнинг етакчилик қобилияти корхонада соғлом рақобат ва ишчанлик муҳити шаклланишига сабаб бўлаётир.

## Инсон манфаатлари устувор

**«БПТ ЖАМОА АЪЗОЛАРИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТМОҚДА?» «ЖАРҚЎРҒОНТУМАНГАЗ» КОРХОНАСИ ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИСИГА БЕРГАН ИЛК САВОЛИМИЗ АНА ШУНДАЙ БЎЛДИ**

**Ўз мухбиримиз**

— Юртбошимизнинг «Партиялар ўзининг ижтимоий, сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади», деган фикрларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим, — дейди БПТ раиси Имомназар Мустафоқулов. — Шундан келиб чиқадиган бўлсак, партиявий фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири – кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, улардаги фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлашдан иборат, деб биламан. Зеро, партияга аъзолик – бу фақат тантанали мажлисларда ўтириш-у, қўл кўтариб овоз беришдан иборат эмас, ҳар бир фуқаро O'zLiDePга аъзо бўлган кунданоқ елкасига оғир, масъулиятли бурч юкланганини ҳис қилиши керак. Бу ҳам бўлса, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан боқиш, давр билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш, эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилишдан иборатдир. Бошланғич ташкилотимиз ўз атрофига 50 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Улар партиявий масъулиятни чуқур ҳис этиб, юксак номни оқлашга ҳаракат қилишмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Зеро, ҳаётда ўз ўрнини топган, сиёсий фаол ва ташаббускор замондошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Айтиш керакки, Сурхондарё вилояти «Жарқўрғонтумангаз» корхонаси қошидаги ушбу қуйи бўғин уч йил муқаддам ташкил этилган. Ўшандан бери омма орасига чуқурроқ кириб боришга, ғоявий-сиёсий ишларни кучайтиришга интилмоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарлидир. Зеро, O'zLiDeP Низомида белгилаб қўйилганидек, бошланғич ташкилотлар партиянинг асосий негизи ҳисобланади. Яъни улар кун тартибида турган вазифаларнинг ижроси учун тўла масъул. Бир сўз билан айтганда, БПТ фаоллари бир тан-у бир жон бўлиб, ягона сиёсий мақсад йўлида ҳаракат қилишмоқдаки, бу пировардида ўз самарасини бермоқда.

– Касбимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, биз бевосита аҳоли билан ишлаймиз, одамларнинг дарду-ташвишларига шерик бўламиз, – дейди БПТ етакчиси. – Шундай экан, партиянинг ҳар бир аъзоси хушмуомалалиги ва ички маданияти билан ажралиб туриши керак.

...Суҳбатимиз шу ерга етганда хонага раис ўринбосари кирди. «Партияга янги қабул қилинадиган номзоднинг ҳужжатлари. Ёш бўлса-да, топшириқларни тўла уддалаяпти», дея суҳбатдошимнинг қўлига бир даста қоғоз тутқазди. БПТ раиси столидаги тақвимга кўз ташлади-да, маълум бир санани айтиб, унга рухсат берди. Мен етакчига саволомуз тикилдим.

– Партияга қабул қилишни шунчаки расмиятчилик учун ташкил этмаймиз, — изоҳ берди БПТ раиси. – Бунинг ҳожати ҳам йўқ. Янги аъзоларга партия гувоҳномаларини ташкилот умумий йиғилишида, бошқа аъзолар олдида тантанали тарзда топширишни йўлга қўйганмиз. Шунда партиявий масъулият ва жавобгарлик туйғуси чуқурроқ ҳис этилади.

Етакчининг сўзларида жон бор. Уммонлар ҳам қатралардан йиғилганидек, партиянинг мамлакатдаги обрў-эътибори қуйи бўғинлар фаолияти билан белгиланади. «Жарқўрғонтумангаз» корхонаси қошидаги БПТ иши билан танишиб, бу жиҳатдан кўнглимиз тўлди. Ҳайрлашар эканмиз, унинг тажрибасини бошқа жойларда ҳам оммалаштириш керак экан, деган хулосага келдик.


**XXI ASR**

ижтимоий-сиёсий газетаси

**2012 ЙИЛНИНГ 6 ОЙИГА БПТлар учун имтиёзли**

**ОБУНА**

**уюштирилаётганини маълум қилади.**



*Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80*

# Журналист суриштируви

## Қимматга тушган хато

**АЙНИ ПАЙТДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ЖОЙЛАРДА ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ, БАНДЛИК МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДАЛАР**

**Фазлиддин ЎЛМАСОВ**

Улар учун яратилган қулай шароитлар, қонунчилик базасининг изчил такомиллашаётгани, Президентимиз фармонлари ва қарорлари асосида солиқ ва бож тўловлари бўйича қўшимча имтиёзлар берилаётгани ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улушини 52 фоиздан ошириш имконини берди. Аммо, афсуски, шиддаткор давр талабларини, жамиятда тадбиркорликнинг аҳамиятини тўла англаб етмаётган баъзи бир кишиларнинг эътиборсизлиги туфайли айрим ҳудудларимизда ҳалигача тадбиркорликка «ўгай» муносабатда бўлиш ҳолатлари сақланиб қолаётганини кўриш мумкин.

2011 йилнинг 4 мартида хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилинган "Фарғона вилоят моддий-техника таъминоти" МЧЖни соғломлаштириш мақсадида унинг солиқ ва бошқа ташкилотлар олдидаги қарзини узиб, бу ерга замонавий дастгоҳлар ўрнатиб, 100 та иш ўрни яратган тадбиркор О.Машрапов «Мустаҳкам оила йили»да яна қўшимча 400 та иш ўрни ташкил этишни режалаштирган эди.

Аммо...

Хўш, тадбиркор режалари нега амалга ошмай қолди?

Бу саволга жавоб 2011 йилда руй берган воқеалар тафсилотидан топилади.

Корхона хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилинганидан хабар топган О.Машрапов ўз ҳамкори Р.Охунов билан ташкилот таъсисчиси Қ.Орзибобоевга жамиятни сотиб олиш ниятида эканини ва банкротлик ҳолатидан чиқариш масъулиятини ўз зиммасига олишини айтади. Орадан кўп ўтмай, Қ.Орзибобоев бошқа таъсисчилар билан маслаҳатлашиб, улушнинг ҳар бир фоизига 10.112 сўмдан нарх белгилайди ҳамда корхонанинг кредитор қарздорликларини узишга ваъда беради.

Аммо у 7-8 апрель куни жамиятнинг барча кредитор қарздорликлари ёпилгани, фақат «Фарғона механика заводи»нинг 86 млн. сўмлик қарзини узишга имкон тополмаётганини маълум қилади.

Шундан сўнг, О.Машрапов «Фарғона механика заводи» раҳбарлари билан учрашиб, жамиятни банкротлик ҳолатидан чиқаргач, қарзни тўлаб беришга ваъда қилади. Ана шундан кейин завод раҳбарлари қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги солиштирма далолатномага имзо чекадилар. Аммо О.Машрапов ана шу ҳолат унинг келгусидаги фаолиятини остин-устун қилиб юбориши мумкинлигини ўшанда хаёлига ҳам келтирмайди.

2011 йилнинг май ойига келиб янги таъсисчилар Қ.Орзибобоев томонидан жамиятга тегишли моддий бойликлар талон-тарож қилингани ва жамиятга қарашли биноларнинг бир қисми сохта ҳужжатлар асосида сотиб юборилганидан хабар топиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этдилар. Натижада биноларни сотиш тўғрисидаги ҳужжатлар бекор қилиниб, улар жамиятга қайтарилди. Лекин жамиятга тегишли моддий бойликларни талон-тарож қилиш ҳолати бўйича чора кўрилмагани сабабли таъсисчилар яна шикоят қиладилар. Шундан кейин Қ.Орзибобоев ўзини оқлаш йўлларини излай бошлайди. Ва эски таъсисчилар билан янги таъсисчилар ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланганидан кейин 5 ой ўтиб, яъни август ойида Фарғона вилоят ИИБга жамият улушини сотиш жараёнида О.Машраповдан ҳеч қандай пул олмаганман, дея мурожаат қилади.

2011 йилнинг 27 сентябрь куни Фарғона шаҳар прокурори Ф.Исмаилов қарори билан Қ.Орзибобоев аризаси асосида фирибгарлик ва мансаб сохтакорлиги жиноятлари бўйича жиноят иши қўзғатилади.

Мазкур жиноят иши Марғилон шаҳар судида кўрилиб, О.Машраповга жамият таъсисчиси Қ.Орзибобоев ва жамият ходимлари Х.Иноятова, З.Юлдашева, Б.Юсуповлар билан тил бириктириб, жамият қарзларини сохта ҳужжатлар билан ёпиш ва шу орқали ташкилотни банкротлик ҳолатидан чиқариб, жамият улушларига фирибгарлик йўли билан эришиш айби қўйилади.

Суд ҳукмида таъкидланишича, 2011 йилнинг 8-13 апрель кунлари О.Машрапов «Фарғона механика заводи» билан «ФВМТТ» МЧЖ ўртасидаги 86 млн. сўмлик қарзни узганлиги тўғрисидаги сохта солиштирув далолатнома расмийлаштириб, аудиторга тақдим этган.

Шунга асосан вилоят хўжалик судининг 2011 йил 19 апрелдаги ажрими билан банкротлик иши тугатилган ва судланувчилар 18 та хўжалик юритувчи субъектнинг 117.839.000 сўмлик мулкини алдаш йўли билан қўлга киритганлар.

Сўнгра О.Машрапов ота-бола Орзибобоевларни алдаб, жамиятнинг уларга тегишли 73,2 фоиз улуши ва 11 млн. сўмлик дивидендлари эвазига уларга жамият мулкларини беришни ваъда қилиб, 2011 йил 8 апрель куни нотариал идорада улушларни узининг онасига 106.591.740 сўмга сотилганлиги тўғрисидаги шартномаларни расмийлаштирган.

Аммо негадир суд ҳукмида қарздорлик мавжуд эмас деб тузилган далолатномалар 17 та эмас, бешта экани, энг асосийси, янги таъсисчилар томонидан 2011 йил охиригача «Фарғона механика заводига» 86.267.000 сўм ва «Металл андоза» ХФга 17.800.000 сўм миқдоридаги қарздорлик тўлаб берилгани инобатга олинмайди.

Ваҳоланки, янги таъсисчилар корхонани банкротликдан чиқариш учун жамиятнинг 340 млн. сўм миқдоридаги солиқ, шунингдек, иш ҳақи ва дивидендлардан бўлган 40 млн. сўм қарздорлигини тўлаганликлари натижасида кредитор қарздорлик 517 млн. сўмдан 105 млн. сўмга тушган. Бу эса 2011 йилни 15 апрель ҳолатига жамият активлари 384 млн. сўмни ташкил қилгани сабабли ушбу қисқа муддатда жамиятнинг тўлов қобилияти тикланганидан далолат эди. Аммо суд ҳукмида бундай кўрсаткичлар инобатга олинмади. Маълумки, "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 56-моддасида ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тиклангандa хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиши белгиланган.

Шу сабабли 105 млн. сўм миқдоридаги кредиторлик қарзнинг тўланиш муддати кечиктирилга хўжалик суди учун банкротлик ишини тугатишга тўсқинлик қилмаган. Бу ўз-ўзидан сохта солиштирув далолатномалари расмийлаштирилиши натижасида жамият сунъий банкротликдан чиқарилган, деган хулосанинг асоссизлигини кўрсатмайдими?

Шу ўринда жамият улуши янги таъсисчилар томонидан сотиб олинганидан кейин корхона балансига замонавий тикув дастгоҳлари киритилиб, ишлаб чиқариш цехи ташкил қилингани ҳам суд жараёнида эътиборга олинмаганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, цехда 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани натижасида 740 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, давлатга 75 млн. сўм миқдорида солиқ тўланган.

Бундан ташқари, суднинг «О.Машрапов ота-бола Орзибобоевларни алдаб, уларга тегишли 73,2 фоиз улуш ва 11 млн. сўмлик дивиденд эвазига уларга жамиятга тегишли мулкларни беришни ваъда қилиб, 2011 йилнинг 8 апрелида нотариал идорада улушларни О.Машраповнинг онасига 106.591.740 сўмга сотилганлиги тўғрисидаги шартномани расмийлаштиришга эришган» деган хулосасига ҳам қўшилиш қийин.

Чунки Қ.Орзибобоев томонидан дивидендларни шахсан олганлик ҳолати унинг тўлов ведомостидаги шахсий имзоси билан тасдиқланади. Судда буни Қ.Орзибобоевнинг ўзи ҳам тан олади.

Яна бир муҳим жиҳат: нотариал тартибда расмийлаштирилган шартномаларда ота-бола Орзибобоевларнинг шахсий имзолари бўлиб, ҳужжатлар тўпламига Х.Орзибобоевнинг хотини томонидан тасдиқланган ариза ҳам тикилган. Унда у турмуш ўртоғининг улушларни сотишига рози эканини билдирган.

Суд жараёнида нотариус Ф.Полвонов ҳам олди-сотди шартномалари қонуний амалга оширилганини, ота-бола Орзибобоевлардан "ҳисоб-китоб қилдингларми?" деб сўраганида, улар "ҳаммаси ҳал бўлди, пулларни олдик" дея жавоб беришганини, шартномаларни расмийлаштиришдан аввал эса Орзибобоевлар у билан икки марта маслаҳатлашганини таъкидлаган. Аммо бундай кўрсатмалар ҳам негадир судда инобатга олинмади.

Ваҳоланки, жамият таъсисчилари ўзларининг кўрсатмаларида 2011 йилнинг 10 апрель куни Қ.Орзибобоев барча таъсисчиларни тўплаб, О.Машрапов жамиятни банкротликдан чиқариш чораларини кўраётганлигини айтгани, агарда корхона банкрот деб топилгудек бўлса, барча таъсисчилар ва жамият ходимлари дивиденд тўловлари ва иш ҳақларини олиш имкониятидан маҳрум бўлишлари мумкинлигини маълум қилган. Шундан сўнг, Қ.Орзибобоев ўзи ва ўғлига тегишли улушларни янги таъсисчиларга сотганини айтиб, қолганларни ҳам шундай қилишга даъват қилгани таъкидланади.

Шу ўринда суд ҳукмида Орзибобоевларга пул берилаётган жараён видеотасвирга туширилмагани сабабли судланувчи О.Машраповнинг улушларни сотиб олишда уларга 106 млн. сўмни тўлаб берганман, деган важларига ишониш учун асослар мавжуд эмас деган хулоса чиқарилганига алоҳида эътибор қаратиш лозимга ўхшайди.

Демак, бундан буён нотариал идораларда амалга ошириладиган ҳар қандай олди-сотди шартномалари бўйича сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатлар видеотасвирга туширилмаса, шартномани бекор қилиш ва сотиб олувчиларни фирибгарликда айблаш мумкин эканда, деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими?

Қайси қонун ёки қонуности ҳужжатида ана шундай жараёнлар видеотасвирга туширилиши белгилаб қўйилган? Афсуски, суд жараёнида ана шундай ҳақли саволларга жавоб қайтарилмади.

Шу ўринда нотариус Полвонов томонидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномаларидаги Орзибобоевларга тегишли имзолар нега Марғилон шаҳар суди томонидан инобатга олинмади, деган яна бир савол туғилади.

Жамиятнинг 37 та улушдори кўрсатмаларичи?

Бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳар суди жами 43 нафар гувоҳнинг кўрсатмалари ва ёзма далиллардан ота-бола Орзибобоевларнинг оғзаки даъвосини устун қўйганини тушуниш қийин.

Шунинг учун ҳам суд ҳукми билан Фарғона шаҳар 5-сон нотариал идорасининг 2011 йил 8 апрелдаги Қ.Орзибобоевнинг 2,7 фоиз ва Х.Орзибобоевнинг 70,4 фоиз жамиятдаги улушларини ва 11.000.000 сўм дивидендларини ўтказиш ҳақидаги олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги қарори жиноят-процессуал қонунчилигига мутлақо зид, дейиш мумкин.

Суд ҳукми мазмунига қараганда, ушбу битимлар Фуқаролик Кодексининг 123-моддасига асосан алдаш таъсирида тузилгани сабабли ҳақиқий эмас деб топилган.

Биринчидан, 11 млн. сўм миқдоридаги дивидендлар учун ҳеч қандай олди-сотди шартномаси тузилмаганини таъкидлаш лозим.

Зеро, Орзибобоевларнинг ўзлари ҳам 11 млн. сўм миқдоридаги дивидендларни нотариал идорада сотдик (ўтказиб бердик) деб кўрсатма бермаганлар. Улар фақат тўлов ведемостига имзо чекканлари тўғрисида кўрсатма берганлар, холос.

Шундай экан, суд 11 млн. сўм дивидендларни ўтказиш тўғрисидаги йўқ битимни қандай қилиб ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин?

Орзибобоевларнинг кўрсатмаларига қараганда, О.Машрапов улушларни онаси номига расмийлаштириш эвазига уларга жамиятнинг 500 млн. сўмлик мулкини беришга ваъда берган эмиш. Хўш, активлари бор-йўғи 384 млн. сўмни ташкил қилувчи, кредитор қарздорлиги 517 млн. сўмдан ортиқ бўлган жамиятнинг устав фондидаги 73,2 фоизлик улуш учун ким 500 млн. сўмлик мулк беришга рози бўлиши мумкин?

Агарда, ҳақиқатан ҳам, шундай келишув бўлганида, нега Қ.Орзибобоев беш ойгача сукут сақлаб келди?

Ҳукмнинг Фарғона вилоят хўжалик судининг 2011 йил 19 апрелдаги "ФВМТТ" МЧЖни банкротлик ишини тугатиш ҳақидаги ажрими юзасидан Фарғона вилоят прокуратурасига протест киритиш масаласини тушунтириш қисми ҳам кўпчиликни бежиз таажжублантирмади, албатта.

Чунки жамиятнинг барча қарздорликлари тўланган, корхона иқтисодий соғломлаштирилган, яъни 300 млн. сўмдан ортиқ янги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар захирасига эга бўлган бир пайтда, банкротлик ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан протест келтиришни мантиқан тўғри, дейиш қийин. Борингки, протест киритилиб, ажрим бекор қилинган тақдирда ҳам ишни қайта кўрган хўжалик суди ҳеч қандай қарзи бўлмаган, аксинча иқтисодий имконияти мустаҳкамланган жамиятга нисбатан банкротлик ишини бекор қилишдан бошқа яна қандай ажрим чиқариши мумкин?

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, иш бўйича ўтказилган дастлабки терговдаврида Қ.Орзибобоев томонидан содир этилган қатор қонунбузилишлар аниқланганига эътибор қаратилмаганини ҳам таъкидлаш мумкин.

Хусусан, у суд бошқарувчиси А.Назаров билан тил бириктириб, 2011 йилнинг март ойида 250 тонна турли металл стеллаж ва арматураларни, 2 та станок ва компрессорни 35 та юк машинасига ортиб, жамият биносидан олиб чиқиб кетган. Бу ҳақда эса терговчиларга юкларни олиб чиқиб кетган машиналар рўйхати ҳам тақдим қилинган.

Бундан ташқари, жамият автосаройининг бир қисмини ноқонуний сотиб юборгани, бошқа бир қисмини эса бурчак штампи ва муҳр суд бошқарувчисига топширилганидан бир кун ўтиб, яъни 2011 йилнинг 10 март куни "Жўйдам таъмирчи" МЧЖга ноқонуний пуллагани, жамият мол-мулклари, бино ва иншоотларни сотиш ҳақида Кузатув Кенгаши йиғилишлари баённомаларини сохталаштиргани сингари ҳолатларга ҳам негадир кўз юмилди.

Ваҳоланки, ушбу қонунбузилиш ҳолатлари Фарғона вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси тафтишчилари Далолатномасида ўз аксини топган эди.

Хўш, юқоридагилардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Ҳа, чиндан ҳам, тадбиркор О.Машрапов кредитор карздорликни тўлаб беришни кечиктириш тўғрисидаги келишувни имзолаш ўрнига, қарз йўқлиги тўғрисидаги далолатномани, яъни юридик нотўғри ҳужжатни расмийлаштириб, жиддий хатога йўл қўйган. Бу ҳаракатнинг қонунга хилоф экани ойнадек равшан. Аммо бу хато жиноий ният билан амалга оширилмаганини ва иш судга оширилгунга қадар жамият томонидан асосий қарзлар узилганлигини суд инобатга олиши мумкинмиди? Шу маънода 100 та иш ўрни яратиб, банкрот бўлган корхонани иқтисодий жиҳатдан соғломлаштирган тадбиркор хатти-ҳаракатларига одиллик нуқтаи назаридан муносабат билдириш имкони бормиди? Буларнинг барчаси бошқа бир шахснинг биргина даъвосига тенг кўрилганини ҳам тушуниш қийин. Буни жамиятда бўлганимизда чуқурроқ ҳис этдик. Қиммат дастгоҳлар чанг босиб ётибди. Тайёр маҳсулотлар эса ўз харидорини кутмоқда. Маҳалла раиси Ш.Бўстонов ишчи-хизматчилар хонасини кўрсатар экан, «қизларимиз ҳали ҳам иш кийимларини олиб кетмадилар. Улар яна ишга қайтишни ният қиляптилар» деб қолди. Бундай сўзлардан кейин эса мазкур масалага Фарғона вилоят прокуратурасининг ҳалол ва одил ҳуқуқшунослари, вилоят адлия ва суд идоралари ўз муносабатларини билдиришлари лозим эканда, деган мулоҳазага бордик.

Ёшлар қаноти



## Қобилият синови

**O'ZLIDEPНИНГ «ИШБИЛАРМОН ТАЛАБА» ЛОЙИҲАСИДА 7 МИНГ НАФАР ТАЛАБА ИШТИРОК ЭТАЯПТИ**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

«Ишбилармон талаба» лойиҳаси ёшларнинг ўз бизнесларини ташкил этишлари учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиш ва изланишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилаяпти.

Таҳлилчилар мазкур лойиҳанинг кўлами ҳамда оммабоплиги йил сайин ошиб бораётганини таъкидламоқдалар. Масалан, бултур унда 5600 дан ортиқ ёшлар иштирок этиб, танловда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган 28 нафар иқтидорли ўқувчи учун бир йиллик стипендия жорий этилган бўлса, жорий йилда лойиҳа 7000 нафар талабани қамраб олди. Уларнинг энг иқтидорли 42 нафарига стипендия ажратиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, ушбу лойиҳа жорий этилганидан буён унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 15000 дан ортиқ талабалари қатнашиб, 150 нафар ғолиб йигит-қиз махсус стипендияга муносиб кўрилди. Энг муҳими, қатнашчиларнинг 8000 га яқини ўз ишини йўлга қўйиб, иқтисодиётимиз тараққиётига ҳисса қўша бошлади.

Таъкидлаш керакки, «Ишбилармон талаба» лойиҳаси доирасидаги танловларда ғолиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бу талабгорлардаги ташкилотчилик ва тадбиркорлик фаолиятининг оммавий тарзда тан олинишидан бир нишонадир. Хусусан, ҳудудий босқичлардаги кучли ижодий рақобатда ғолиб чиқиш осон эмас. Жорий йилнинг 15 март—15 апрель кунлари туман ва шаҳар беллашувлари бўлиб ўтди. 15 апрель—15 июлда вилоятлар, август ойида эса республика якуний босқичида ўқувчилар билим ва маҳорат бобида кучлилар ичида энг кучли эканликларини исботлашга ҳаракат қилишади.

Ғолибларни аниқлаш учун ташкилотчилар томонидан бир қатор мезонлар ишлаб чиқилган. Жумладан, танловларда иштирокчиларнинг тадбиркорлик кўникмасини ўзлаштириш даражаси, ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет ва турли ахборот-кутубхона тизимларидан фойдаланиш борасидаги лаёқати, иқтисодиётнинг турли йўналишларига оид инновацион лойиҳалари, умуммиллий ва либерал-демократик ғоялардан хабардорлик даражаси синовдан ўтказилади. Қолаверса, талабгорларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси, партия ва жамоат ишларидаги фаоллиги, етакчилик ва ёшлар билан ишлаш борасидаги қобилияти алоҳида инобатга олинади. Танловда, шунингдек, қатнашчиларнинг ўз бизнес-режаларини таништириш учун ўтказадиган тақдимот маросимларига тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Таъкидлаш керак: ушбу лойиҳани мавжуд талаблар асосида, кўнгилдагидек ташкил этиш учун бош-қош бўлаётган асосий куч бу партиянинг «Ёшлар қаноти» ҳамда унинг жойлардаги мутахассисларидир.

Айни кунларда танловнинг туман босқичлари якунига етиб, натижалар сарҳисоб қилинмоқда. Ташкилотчиларнинг гувоҳлик беришича, навбатдаги ҳудудий танловларга ҳар қачонгидан ҳам жиддий тайёргарлик кўрилган.

— «Ишбилармон талаба» тадбири бизда пухта билим ва янги ғоялар байрамига айланиб кетди, десак муболаға бўлмайди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими маслаҳатчиси М.Аяпбергенова. — Ҳудудлар орасида Кегейли туманида ўтказилган танловни алоҳида қайд этишни истардим. Қатор мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда етарли тажрибага эга бўлган масъулларнинг ҳайъат аъзоси сифатида қатнашишгани лойиҳанинг холислик ва адолат тамойиллари асосида ўтказилишини таъминлади. Унда тумандаги 6 та касб-ҳунар коллежидан 18 нафар талаба ҳамда ўқитувчилар, жами 67 иштирокчи ғолиблик ҳамда ўз коллежлари шаъни учун холисона баҳслашишди. Танлов якунларига кўра, 1-ўринга туман маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 1-курс талабаси Малика Мадиярова, 2-ўринга қурилиш ахборот-технологиялари касб-ҳунар коллежининг 2-курс талабаси Бахберген Отарбаев, 3-ўринга эса маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 1-курс талабаси Тазагул Мамбетиярова лойиқ кўрилди. Улар лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бошқа қатнашчилар ҳам эътибордан четда қолишгани йўқ, албатта. Уларнинг барчаси партия туман кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Мамлакатимизнинг бошқа туманларида ўтказилган танловлар ҳам ўқувчи ва талабаларда катта қизиқиш уйғотиб, янги иқтидор эгаларини кашф этиш имконини берди. Хусусан, Бухоро туманида ўтказилган танловда 1-ўринни қўлга киритган Гулруҳ Ахматова (иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси), 2-ўринга муносиб кўрилган Ёрқин Нуриддинов (қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи талабаси), 3-ўринни эгаллаган Ситора Рамазонова (иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси) тақдим этган инновацион лойиҳаларнинг оригиналлиги ва амалий аҳамияти ҳайъат аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги ўқувчи ҳам «Ишбилармон талаба» лойиҳасига шунчаки тадбир эмас, балки билим ва маҳорат бобида ўзаро беллашадиган муносиб майдон сифатида қарашмоқда. Бу ерда танловнинг ташкилий жиҳатларига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Навқирон авлод вакилларидан умид ва ишончимиз катта, — дейди O'zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Д.Тўрақулов. — Танловга тақдим этилган инновацион лойиҳалар билан бирга талабгорларнинг давлат ва чет тилларини нечоғли билишлари ҳам жиддий синовдан ўтказилди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, амалий санъат йўналишлари бўйича яратилган ишланма ва маҳсулотлар кўргазмаси ҳам баҳолаш мезонлари учун асос бўлиб хизмат қилди. Барча «чиғириқ»лардан муваффақиятли ўтган ёшлар – шаҳардаги қурилиш касб-ҳунар коллежидан Насриддин Низомиддинов, Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан Дилором Тожиддинова, шу коллежнинг яна бир талабаси Дилдора Худойбердиева ғолиб топилиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Айни пайтда мазкур лойиҳанинг барча туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан ёшлар кейинги марраларни забт этишга астойдил тайёргарлик кўра бошладилар. Зеро, уларни истиқболда мустақил ҳаёт қуриш, тадбиркор сифатида эл-юрт корига хизмат қилишдек эзгу истиқболлар кутаяпти. Партия махсус стипендияси учун кураш эса бу йўлдаги муҳим ва ишончли қадамлардан биридир.



# «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси жамоаси

*Ўзбекистонимизнинг эртаси*
*бўлган азиз фарзандларимизни*
*1 ИЮНЬ —*
*ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ*
*ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ*
*билан муборакбод этади.*
*Озод ва обод юртимизда*
*ҳеч кимдан кам бўлмаган*
*янги авлод учун барча*
*имкониятлар яратиб берилмоқда.*
*Ишончимиз комилки,*
*сизлар ана шундай*
*шарт-шароитлардан унумли*
*фойдаланиб, улуғ аждодларнинг*
*муносиб ворисларига айланасизлар.*
*Байрамингиз муборак,*
*азиз болажонлар!*



# Қутлов




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 4658. Тираж: 18 370
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.